

ҲАМЗАНИНГ “ЗАҲАРЛИ ҲАЁТ ЁХУД ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ” ДРАМАСИ ҲАМДА “ЯНГИ САОДАТ” РОМАНИДА АЁЛЛАР ОБРАЗИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Умаралиев Хумоюн Абдулаҳат ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 3-курс талабаси

Аннотация. Мақолада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” драмаси ҳамда “Янги саодат” романи бош қаҳрамонлари Марям ва Маҳмуд, Олимжон ва Марямлар мисолида миллатимиз ёшларининг ҳаётида илму маърифатнинг нечоғли муҳим ўрин тутиши уларнинг бошига тушган фожиалар талқинида очиб берилади.

Калит сўзлар: илму маърифат, саводхонлик, меҳрибон она, итоатли рафиқа, рамзийлик

Аннотация. В статье раскрывается значение науки и просвещения в жизни молодежи нашего народа в трактовке выпавших на их долю трагедий на примере героев драмы Хамзы Хакимзода Ниязи «Ядовитая жизнь, или жертвы любви» и романа «Новое счастье» Марьям и Махмуд, Олимджон и Марьям.

Ключевые слова: знание, грамотность, любящая мать, покорная жена, символизм.

Annotation. The article reveals the importance of science and education in the life of the youth of our people in the interpretation of the tragedies that have befallen them on the example of the heroes of the drama “Poisonous Life, or Victims of Love” by Hamza Hakimzoda Niyazi and the novel “New Happiness” by Maryam and Mahmud, Olimdzhon and Maryam.

Key words: knowledge, literacy, loving mother, submissive wife, symbolism.

Жадидларнинг фалсафий-эстетик ва педагогик қарашларининг Ўрта Осиёда кенг тарқалиши ва катта ижтимоий ҳодисага айланишида Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Чўлпон сингари буюк шахсларнинг хизмати катта бўлди. Жумладан, жадид-маърифатчилари ўз дастурида миллат ва мамлакатнинг дунёвий тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб келаётган диний бидъат ва қолоқ расм-русумларга қарши чиқиш, эски мактабларни янги ўқув усуллари билан ислоҳ қилиш, халқ оммасининг саводини чиқариш мақсадида матбуот масалаларига жиддий эътибор қаратиб, янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожини устида қайғуриш; Европа маданиятидан орқада қолиб кетмаслик учун замонавий миллий театр томошаларини ташкил этиш; хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги аҳволини ўзгартириш мақсадида турли ижтимоий ислохотлар йўлини қидириш сингари муаммоларни ўртага ташладилар.

Маърифатпарварлар драматургияни энг сермахсул ва оммабоп жанр сифатида ривожлантира олишган. Улар шу йўл орқали мутаассиб босқинчиларга ва ўз ҳолидан беҳабар халққа ойна тутишни мақсад қилган эдилар. Маърифатпарвар адибларнинг аксарияти ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар. XX аср бошларида юртимизда давом этаётган жаҳолат, илмсизлик, мутаассиблик оқибати Авлоний, Ҳамза, Ҳожи Муин драмаларида – қурбон бўлган аёллар қисмати фонида берилган бўлса, кейинчалик асирларнинг руҳий олами, маънавий қиёфаси ортидаги гоё ҳам юксак идеал сифатида улуғланиб, асарлар

мундарижасида муқимлашиб борди. Чунки жамият ҳар томонлама комил оилалар ва улар тарбиялаётган фарзандлар эвазига барқарорлашиб боради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (“Заҳарли ҳаёт” (1916), “Майсаранинг иши” (1926), “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши”ни (1927) ёзди. Булардан ташқари, “Бурунги сайловлар”, “Жаҳон сармоясининг энг охири кунлари”, “Қозининг сирлари”, “Эл қузғунлари” каби 1921 ва 1928- йиллар орасида ёзилган катта-кичик драмалари мавжуд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” асари қаҳрамони Марям образи илмга ташна аёл тимсолидир. “Янги саодат” асарида Олимжоннинг маърифат туйғули бахтли ҳаётга эришуви ва унинг ўз бахтидан бошқа кишининг ҳам баҳраманд бўлишини тасвирлаган бўлса, “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” фожиасида маърифатли инсоннинг жаҳолат ва ғафлат зиндонидаги фожиали тақдирини кўрсатишни мақсад қилиб олган. Ушбу асар жанрини Ҳамза “Туркистон маишатидан олинган қиз ва куёв фожиаси” деб атайди. Драматург пьесанинг дастлабки саҳнасидаёқ қаҳрамонларнинг ўзларига муносиб бўлмаган, улар қалбидаги муҳаббат гулларини ҳазон қилишга тайёр бир муҳитда яшаётганини кўрсатади. Шу тарзда пьесанинг аввалидаёқ эскича қарашлар таъсиридаги ота-оналар билан улардан илгарилаб кетган ва ўз замонида сиғмай қолган ёшлар ўртасидаги зиддият ниш уради. Воқеалар ривожланиши билан бу конфликт таранглашиб, охирида камоннинг тортилган ёйидек учиб боради-да ҳар иккала қаҳрамонни – Маҳмудхон билан Марямхонни ҳалок қилади. Бундаги Марямхон образи маърифатга ташна аёл тимсоли сифатида гавдаланади.

XX асрнинг биринчи чорагида Ҳамза ўз асарларида аёл ва қизлар образини сезиларли даражада ёрита олган. Ва, бу орқали нафақат ўша давр балки ҳозирги замон учун ҳам керакли бўлган асарлар яратган десак, хато бўлмайди. Шунингдек ўша давр аёлларининг матонати моҳирона очиб берилган десак муболаға бўлмайди.

Ҳамзанинг қатор драмалари ва эпик асарларида хотин-қизлар маърифатига тарғиб этилган ўринлар кўплаб учрайди:

Ўқуб таҳсили илм айла, маориф шарбатин ютгил,

Тилингни жаҳлдан қутқор, гами миллат била ўтгил.

“Янги саодат” асари аввалида келтирилган эпиграф бизга йўналиш беради, калит вазифасини ўтайди. Яъни “таҳсили илм” “миллат гами”га энг яхши чора эканлигига ишора қилинади. Қолаверса, муаллифнинг халқ орасида машҳур бўлган айрим ишқий, ҳажвий асарларга муносабати ҳам келтирилган бўлиб, ахлоқни тарбиялайдиган янги қироат китоби деган эътирофи ҳам юқоридаги эпиграфга ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Бош қаҳрамон Олимжон сабру матонатда тенгсиз, мадраса таълимини олган йигит, онаси Марям солиҳа аёл. Унинг отаси Абдуқаҳҳор савдогар Ғози бойваччанинг ўғли бўлиб, катта мерос соҳиби эди. Лекин Абдуқаҳҳор ўқимагани, хат-саводсиз бўлгани учунми қиморбозликка берилиб, ўз оиласини хонавайрон қилади. Бунинг жабрини ўзи ва икки фарзанди, хотини ва онаси тартади. Олимжоннинг бахтига атрофида учраган олижаноб инсонлар унинг илм олишига кўмак беришади. Олимжон ўз исмига монанд йигит бўлиб вояга етади. Ёзувчи эътироф этишича, у: “Ёши 18 ёшларга тўлган бўлса ҳам ўз ижтиҳод ва ғайрати орқасида 40-50 ёшдаги кишилардан ҳам ортуқроқ даражаларда комил ақл ва асослик фикр ва марҳаматли виждонга молик бўлган фаросатлик” эди.

Бизнинг назаримизда Ҳамзанинг “Янги саодат”да ярқ этиб кўришиб турган ифодадан ташқари, яна қандайдир баёнлар бордек. Яъни бош қаҳрамон аслида Олимжон, лекин бизнингча унинг онаси Марям образи десак янглишмаймиз. Негаки, саводли, ўқимишли Марямнинг илмга рағбати бўлмаганида, Олимжон тақдирида муҳим бурилиш ясаган жадид муаллими билан танишмас, натижа ёзувчи кўрсатганидек, етук шахс бўлиб камол топмас эди. Демак, оиланинг фароғати, фарзандларнинг саодати учун она ҳам масъул. Марям жоҳила бўлганида оиланинг ҳоли нима кечарди? Олти ёшли Олимжон, уч ёшли Хадичанинг тақдири-чи?! Демак, Ҳамза илк бор ҳаётий воқелик йўриғини белгилай оладиган аёллар образини насрга олиб кирди. Жадид муаллими кўлида таҳсил олган Олимжон, табиийки, орзусига илм-маърифат орқали эришади. “Ҳар бир асар ёзувчининг бадиий нияти асосига қурилади. Белгиланган мақсад яратилаётган асарнинг шакл ва мазмунини тайин этишда муҳим ўрин тутади. Бадиийликнинг мукамаллигини англаувчи мезонлардан бири – мазмун ва шакл бирлигидан ташқари ҳар иккисининг ижодкор идеали билан нурланган уйғунлиги ҳам мавжуд” [1; 11].

Асарда ёзувчининг маслагини очиш учун жадид муаллими образи танланган. Жадид мактабларига ва муаллимларга тазйиқ кучайган бир шароитда бу образнинг яратилиши Ҳамзанинг орзусини англаш имконини беради. Қолаверса, бу ўринда маърифат янгича қарашлар асосида сингдириладиган жадид мактабларидаги таълим бошқа ўқув муассасасига нисбатан самаралироқ, деган таъкид ҳам йўқ эмас. Демак, Ҳамза ислохотпарварлар йўлида экан, унинг идеали ҳам жадид муаллими ёки янгича фикрлайдиган кишилардан иборатлиги асослидир. Аслида Марям ва жадид муаллими образлари муаллиф ғоясига хизмат қилган. Олимжон эса ғоянинг самараси – кутилган натижа эди. “Амин бўлмоғимиз керакдурким, бизлар то эркак ва қиз болаларимизни биргаликда тарбия этмагунча бизлардан келажакда масуд оилалар етишмас. Бизлар ҳеч вақт ғояи аъмолимиз бўлгон чин бахт ва саодатга, тараққий ва тамаддунга етолмасмиз” [2].

Дарҳақиқат, бизнинг барча дардларимиз жоҳилликдан келиб чиқади. Доимий равишда ўқитиш ва ўрганиш керак. Туркистон ўлкаси мустамлака шароитида бўлган вақтда миллатимизнинг жонкуяр зиёлилари халқни маърифатли ва маданиятли, зиёли бўлишга ундади, аксарият ижодкорлар ўз асарида мактаб маорифдаги янги ўзгаришларга муносабат билдирибгина қолмай, ўз фаолиятларида ҳам амалий ҳаракатда бўлдилар. Шунингдек кўплаб зиёли жадидчиларимиз Европа ва айрим Шарқ давлатларидаги таълим тизимини Туркистон маорифига татбиқ этдилар.

Хотин-қизлар саводхонлиги, миллат тарбиясида марифатли онанинг даркорлиги шеърятга олиб кирилди. Жоҳил анъаналар таъсирида тутқунликка маҳкум бўлган аёллар масаласи, уларнинг эркинлиги юрт эрки орзуси билан параллел тасвирланди.

Ҳамза ана шу ҳодисанинг бошида турди ва ўз драматик асарлари билан ўзбек драматургиясига асос солди. Ҳамзанинг ўзбек драматургия соҳасидаги фаолиятини қисқача қилиб, у ўз даври халқ ҳаётини кўзгуга солиб кўрсатиб беришнинг уддасидан чиқди, дейиш мумкин. Бу эса, барча замонлар ижодкорининг муқаддас орзуси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ҳамзанинг энг сара драмалари ҳозиргача сахна юзидан тушмай келмоқда.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий драмалари ва эпик асарларида аёллар тимсоли моҳирона тарзда очиб берилган, бу образлар орқали ёзувчи жамиятдаги оғрикли нуқталарни ва уларни бартараф этиш йўллариини ўз мафқураси орқали намоён этади. Яъни жамиятда оилага, аёлга бўлган эътибор

ижобий томонга ўзгармас экан, жамият ҳам ўзгармаслигини айтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саримсоқов Б. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари // ЎТА, 1997. – №6. – Б.11.
2. “Меҳнаткашлар товуши”. 1918, 9 июл
3. Каримов Н. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019.
4. Жабборов Н. Ҳамза ва жадидчилик // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019.
5. Қосимов Б. Оташин маърифатпарвар // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019
6. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nafas-shodmonov-ilohiyнома-da-yusuf-obrazi/>